

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет Бош директори



_____ Ш. Ҳабибуллаев

2022 йил “___” _____

**Гидрометеорология хизмати марказида Хотин-қизлар бошланғич
ташкilotи фаолиятини ташкил этиш масалаларига
бағишланган йиғилиш
1-сонли Б А Ё Н И**

“___” _____ 2022 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Ш.Ҳабибуллаев - Ўзгидромет бош директори

Қатнашдилар: И.Каримов, Ф.Сафаров - Бош директор ўринбосари,
марказий аппаратнинг бошқарма, бўлим бошлиқлари ва
масъул ходимлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот
институти, Тошкент гидрометеорология техникуми,
Метеоинофоком ДМ директорлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**1. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг
ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги
ЎРҚ-562-сон қонуни ижроси тўғрисида.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил
28 майдаги 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка
эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақидаги СҚ-297-ИВ-сон қарори
ҳақида.**

**3. Давлат раҳбари раислигида 2021 йил 1 мартда “Хотин-қизларни ҳар
томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятдаги мавқеини янада
мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисидаги”
кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 1-сон
баёни топшириқларига мувофиқ Ўзгидрометнинг 2022 йил 7 апрелдаги
92-Т-сон буйруғи ижроси тўғрисида.**

(Ҳабибуллаев, Сафаров, Мухамедова, Ибрагимова, ... Ҳабибуллаев)

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзгидромет тизимида Аёллар кенгаши ташкил этилганлиги, Кенгаш раиси этиб, Биринчи бўлим мутахассиси Н.Муҳамедова сайланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Аёллар кенгаши раиси Н.Муҳамедова:

3 кун муддатда Ўзгидромет тизим ташкилотлари ҳамда вилоят ҳудудий бошқармаларидан тавсия этилган муносиб номзодлар асосида Аёллар кенгаши таркибини шакллантирсин;

1 ҳафтда муддатда Аёллар кенгаши фаолиятини тартибга солувчи Низом, йўриқнома ва тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича буйруқ лойиҳасини киритсин;

Кенгаш фаолиятини самарали ташкил этган ҳолда, тизимда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнатларига муносиб ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш ишларини тизимли асосда ташкил этилишини таъминласин;

тизимдаги истеъдодли хотин-қизлар ўртасида турли спорт мусобоқалари ташкил этсин;

тизимда фаолият кўрсатиб келаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш масалаларни **ҳар ойда** камида бир маротаба кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилиб бориш, мавжуд муаммолар ва камчиликларни ҳал этиш чораларин кўриш ва амалга оширилган ишлар ҳақида раҳбариятга ахборот ва тегишли таклифлар киритиб борсин;

Кенгаш фаолияти давомида бевосита Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари топширилсин.

3. Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, Молия-иқтисод (Халияров), Моддий техник-таъминот (Кулумбетов), Ишлар бошқармалари (Артиқов) Ўзгидромет тизимида Аёллар кенгаши фаолиятини тўлақонли ташкил этиш мақсадида алоҳида муҳр ва баланкаларини тайёрлаш, заруратга кўра транспорт ажратиш ва бошқа ташкилий тадбирларни ҳал этишга бевосита амалий ёрдам кўрсатсинлар.

3. Вилоят ҳудудий гидрометеорология бошқармалари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари 3 кун муддатда юқорида белгилаб берилган вазифалар юзасидан тегишли буйруқ ва зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилинишини ҳамда ижросини **ҳафталик аппарат йиғилишларида** муҳокама қилиб борилишини таъминласинлар.

4. Мазкур йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров ва Аёллар кенгаши раиси Н.Муҳамедова зиммаларига юклансин.